

**Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларга Аутсорсинг хизматларни
кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 03/01**

Карши шаҳри

«19» сентябр 2022 йил

Карши шаҳар "BAXT ORIGINAL SAVDO" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари И.Бобоев номидан, бир томондан ва Вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази, кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Т.Расулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. "BAXT ORIGINAL SAVDO" МЧЖ шартнома спецификациясида кўрсатилган озиқ овқат махсулотларини етказиб беради. Озиқ-овқат махсулотларининг нар

хи Вилоят хокимлиги томонидан белгилаб берилган ойлик нархлардан ошмаган ҳолда етказиб берилиши керак.

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 1 241 600 000 (бир миллиард икки юз кирк бир миллион олти юз минг сум)

№	Ойлар	Улчов бирлиги	Суммаси
1	Сентябр	Порция	310400000
2	Октябр	Порция	310400000
3	Ноябр	Порция	310400000
4	Декабр	Порция	310400000

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий 1 241 600 000 (бир миллиард икки юз кирк бир миллион олти юз минг сум)

2.2. Сотиб олинadиган Товар (махсулот) тулов миқдори 372 480 000 (Уч юз етмиш икки миллион тўрт юз саксон минг) сум яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 869 120 000 (саккиз юз олтмиш тўққиз минг бир юз йигирма минг) сум , яъни келишилган сумманинг 85 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг 2022 йил октябр ойида амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб берилadиган (бажарилadиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, махсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. "Сотувчи" мазкур фармонга амал қилиши шарт.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТОВАР (МАХСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат иссиқ овқат (хизмат)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.2. "Бажарувчи" тўпланда яроқсиз, яъни тегишли даражада сифатли бўлмаган (ветеринария, санитария, лаборатория талаблари) махсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 24 соат ичида сифатсиз товар (махсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.

3.3. "Бажарувчи" Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан "Буюртмачи" томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (махсулот)лар "Бажарувчи"га қайтариб берилиши лозим, бунда "Бажарувчи" уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки "Буюртмачи" билан келишган ҳолда 24 соат ичида яроқсиз товар (махсулот)ларни сифатли товар (махсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

4. "БАЖАРУВЧИ" НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Бажарувчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига асосан ва шартномага кузда тутилган маблағлар доирасида озиқ-овқат махсулотларини ва иссиқ овқатни "Истеъмолчи"га белгиланган муддатларда таъминлайди.

4.2. Етказиб берилadиган махсулотларни сертификатларга биноан сифатини таъминлашини ўз зиммасига олади.

4.3. Ошхонани малакали ошпазлар билан , нормативлар асосида, калькуляция қилиб сифатли овқат билан беморларни таъминлайди.

4.4. "Истеъмолчи" томонидан тақдим қилинган таомномаларга асосан умумий овқатлантириш хизматларини ташкил қилади ва ҳар ойда курсатилган хизмат счёғ фактураларини тақдим қилиб боради.

4.5. "Истеъмолчи"га етказиб берилган махсулотлар тўғрисида счёғ-фактураларни ҳар ой ҳафтанинг шанба кунларида тақдим этиб боради.

5. "БУЮРТМАЧИ" НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. "Бажарувчи"нинг ошпазларига белгиланган кунлик менюни етказиб бериш.

5.2. Ошхонада буюртмачи томонидан газ, электр энергияси, ичимлик суви билан ўз вақтида таминлан бериш ва туловларини амалга ошириш мажбуриятини олади.

5.3. "Истеъмолчи" озиқ-овқат махсулотлари учун ишончномаларни фақатгина бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида тўлдириши ва махсулотларни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

5.4. Буюртмага асосан ва ажратилган лимит доирасида иссиқ овқат ва озиқ-овқат махсулотлари "Бажарувчи"дан белгиланган муддатларда етказиб беришни талаб қилади.

5.5. "Бажарувчи" томонидан етказиб берилган иссиқ овқат ва озиқ-овқат махсулотларини сертификатларга биноан сифатини талаб қилади.

5.6. "Бажарувчи"дан ҳар ойнинг 15 куни ҳамда ой тугагандан кейин кўрсатилган хизмат ҳисоб-фактураларини талаб қилиб олади.

6. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

6.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

6.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

6.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилди.

8.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор ҳолатларида

Шартноманинг амал қилиш муддати «31» Декабрь 2022 йилгача

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибда ҳал қилинади

9.3. Келишимовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Иқтисодий судида ҳал қилинади.

10. ФОРС – МАЖОР

10.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулотда ва муайян шaroитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур Шартномага киритилмайдиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

Бажарувчи
Ташкилот номи : "BAXT ORIGINAL SAVDO" МЧДЖ
Манзил: Қашқадарьинская область г.Карши Пахтазор мттитумани 24а 5 уй
Телефон: 972008680
Факс: 972008680
СТИР коди: 302529271
ОКОНХ: 71300
ОКЭД: 49410
Х/Р 20208000305026154001
Банк: ҚАРШИ Ш. "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ
МФО: 01099
Раҳбар (директор): М.У. (имзо) И.Бобоев

Буюртмачи
Ташкилот номи: Вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази
Манзил: Қарши шаҳри, Отчопар МФЙ, Халқлар дустлиги
Телефон: _____
СТИР коди: 202690140
ОКОНХ: 91511
ОКЭД:
Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 100021860104017073201054006
Ғазначилик бўлинмаси номи:
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами:
Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010
Раҳбар: М.У. (имзо) Т.Б.Расулов

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ тарзда тузилган

Ҳуқуқшунос: _____

« _____ » _____ 2022 й

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

2022 йил «19» сентябр

Карши шаҳри

«Бахт оригинал Савдо» МЧЖ
корхонаси билан Вилоят болалар кўп
тармоқли тиббиёт маркази ўртасида
тузилган

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 21 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунини 21-моддасига асосан 2022 йил «19» сентябрдаги №03/01-сонли шартномасида «Бахт оригинал Савдо» МЧЖ билан Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ўртасидаги 1241600000 (бир миллиард икки юз қирк бир миллион олти юз минг) сумлик тузилган шартнома лойиҳасини ҳуқуқий экспертизасидан ўтказдим

Ҳуқуқий экспертизага тақдим қилинган шартнома лойиҳасини ҳуқуқий расмийлаштирилганлигини ва томонларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари кўриб чиқилди, Ушбу ҳуқуқий экспертизада қуйидагилар аниқланди,

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабига жавоб беради, Томонлар ҳақиқатдан ҳам амалдаги қонун талаблари бўйича тегишли ва ижро этиш ҳуқуқларига эга бўлиб, тегишли идораларда руйхатдан ўтган,

2. Ушбу шартномада қурсатилган шартномавий мажбуриятлар, Бу борадаги маъсулиятлар узаро Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2.25 моддаларига биноан амалга оширилади,

Ҳуқуқшунос:



Х.Тангриева

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази
бош шифокори Т.Б.Расулов.

19.09.2022 йил

№ 28

Қарши шахри

Қарши Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази учун тайёр иссиқ овқат таёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини ташкил этиш учун 2021йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тугрисида ЎРҚ-684-сонли қонунининг талабларига асосан энг яхши таклифларни танлаш орқали шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг
МУХОКАМА БАЁНИ:

Директор:Комиссия раиси:	Т.Расулов.
Аъзолари:	
Хужалик мудир:	З.Меғлиев
Бош ҳисобчи:	Х.Ҳамдамов
Диетолог шифокор:	Д.Равшанов
Катта хамшира	М.Очилова

Кун тартибида кўриладиган масала:

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази учун тайёр иссиқ овқат таёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини ташкил этиш учун танлов асосида **2022й 9 сентябр кундаги 22110012146919-сонли лот билан Давлат харидларининг /etender.uzex.uz/ дастурий мажмуасига жойлаштирилган электрон эълон. 2022й 14 сентябр кун**и тугаганлиги ва ушбу лот натижасига биноан шартнома тузиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия энг яхши таклифларни танлаш жароёнида қатнашган таъминотчи ташкилотлар таклифларини кўриб чиқди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази учун иссиқ овқат таёрлаб бериш (Аутсорсинг) хизматини бериш учун 2 та хусусий корхона ўз таклифлари билан қатнашганлиги аниқланди. Улар томонидан берилган таклифлар ва хар бир юкланган маълумотлар синчиқлаб ўрганиб чиқилиб танлов талабларига асосан баҳо берилди.

Берилган таклифлар ичида солиқ қарздорлик тўғрисидаги маълумотнома санаси “Мега камрон”МЧЖ 26.08.2022 йил санаси билан олинган. “Бахт оригинал Савдо”МЧЖда янги сана билан 13.09.2022йил санаси билан маълумот тақдим қилинган. Баҳолар натижасига асосан энг яхши таклифларини танлаш танлови бўйича **2022й 19 сентябр кунда** сонли баённома электрон тарзда шаклланди. Баённома шаклланган сўнг энг юқори бал билан “Бахт Оригинал” МЧЖ ғолиб бўлганлиги аниқланди ва 2 иш (48) соат кун муҳокамага қўйилди. Ҳамда рақобатчи томонидан электрон ёзма эътирозлар келиб тушмагандан сўнг

КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Бахт Оригинал” МЧЖ ғолиб деб топилсин.
2. “Бахт Оригинал” МЧЖ корхонаси томонидан таклиф этилган нархлар асосида шартнома расмийлаштирилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Х.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.



Комиссия раиси: Т.Расулов.
Аъзолари:

Хужалик мудир:	<u>З.Меғлиев</u>	З.Меғлиев.
Бош ҳисобчи:	<u>Х.Ҳамдамов</u>	Х.Ҳамдамов
Диетолог шифокор:	<u>Д.Равшанов</u>	Д.Равшанов
Катта хамшира	<u>М.Очилова</u>	М.Очилова.